

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Қорақалпоғистон Республикаси  
Камбағалликни қисқартириш ва  
бандлик вазири**



**С.Турманов**

“16” май 2023 йил

**Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва  
бандлик вазирлиги мажлиси  
№ 3 сон Б А Ё Н И**

“ 16 ” “ май ” 2023 йил

**Нукус шаҳри**

**Раислик қилувчи: С.Турманов**

Қорақалпоғистон Республикаси  
Камбағалликни қисқартириш ва  
бандлик вазири

**Қатнашганлар:**

Ўзбекистон Республикаси  
Камбағалликни қисқартириш ва  
бандлик вазирлиги Комплаенс назорат  
бўлими бош мутахассиси Д.Темиров,  
Қорақалпоғистон Республикаси  
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик  
вазирлиги ҳамда вазирлик  
тасарруфидаги ташкилотлар ходимлари  
(*рўйхат бўйича*)

**КУН ТАРТИБИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва  
бандлик вазирлиги тизимида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга  
қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва 2022-йил 12-январь кунги  
Коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлигини рейтинг баҳолаш  
tizimini жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ 81-сон қарори**

*(С.Турманов, Д.Темиров, Қ.Календеров, М.Раметов, М.Альжанов, С.Турманов)*

Мажлисни Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири С.Турманов олиб борди ҳамда кун тартибидаги масалалар билан таништириб, коррупциянинг жамият ривожига, мамлакат тараққиётига жиддий тўсиқ бўлиб, соҳалар юксалишига бевосита таҳдид туғдирадиган асосий иллат эканлигини, шу сабабли юртимизда коррупцияга қарши кураш чораларини кучайтириш, уни илдизи билан йўқ қилиш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан сунг сўзга Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқарттириш ва бандлик вазирлиги коррупцияга қарши курашиш бўлими бош мутахассиси Д.Темиров Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2022-йил 12-январь кунги “Коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 81-сонли қарорининг маъзун моҳиятини, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати 11-бандига мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширишда меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг Комплаенс назоратга бириктирилган ходим ва Кадрлар ишларига масъул тузилма (бошқарма, бўлим/инспектор) Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ белгиланган тартибда ва ҳажмда ходимлар ва алоқадор шахсларнинг яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ва тизимли йиғиш, таҳлил қилиш ва янгилаб бориш учун жавобгар ҳисобланишини айтиб ўтди.

Афсуский тизимда ҳалигача коррупцион ҳаракатларни содир қилишга мойил ходимларимиз учирамоқда;

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқарттириш ва бандлик вазирлиги “Комплаенс назорат” шубҳаси бош мутахассиси томонидан олиб борилган суриштирув ишлари натижасида Нукус шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази хўжалик ишлари мудир лавозимида ишловчи Қурбаниязов Сапар Қудайбергенович бирнеча йилдан буён тизимли (систематик) равишда ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, алдаш ва ишончли суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида бирқанча фуқароларни алдаб ишончига кириб пулларини олиб йўрганлиги аниқланди.

2023 йил 8 февраль куни фуқаро А.Тажибоевнинг аризасига кўра Қурбаниязов Сапар Қудайбергенович фуқаро А.Тажибоевга унинг турмуш ўртоғи Г.Айназаровани тиббиёт бирлашмасига ишга киритиб қўйишини айтиб, 2022 йил октябрь ойида Нукус шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази биносидаги ўз хизмат хонасида А.Тажибоевнинг 6.000.000 сўм пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганлиги тўғрисидаги ариза ва тўпланган ҳужжатлар вазирлиқнинг №13/00-01/16-171-сон хати билан Нукус шаҳар прокуратурасига юборилган.

Нукус шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази хўжалик ишлари мудир лавозимида ишловчи Қурбаниязов Сапар Қудайбергеновичнинг ҳаракатларида фирибгарлик жинояти аломатлари мавжуд бўлганлиги боис, 2023 йил 28 февраль куни Нукус шаҳар прокуратураси томонидан унга нисбатан ЎзР ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми «в» банди билан жиноят иши қўзғатилиб тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли бўлими томонидан тезкор тадбир натижасида Кегейли тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази давлат меҳнат ҳуқуқи инспектори лавозимида ишловчи Бекбаев Адил Қуатбаевич, Кегейли тумани 11-сонли ўрта таълим мактабида меҳнат ва аҳоли бандлиги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан олиб борилган текширишда аниқланган қонунбузилиш ҳолати юзасидан мактаб директори

Г.Байымбетовага жарима қўлламаслик эвазига, ундан 1 млн. сўм пулни пора тариқасида олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланганлиги, А.К.Бекбаевдан кимёвий ишлов берилган 1 млн сум пуллар ашёвий далил тариқасида олиб қўйилиб, ҳозирда ҳолат юзасидан ЎзР ЖКнинг 210- моддаси 2-қисми билан жиноят иши қузғатилиб тергов ҳаракатлари олиб борилаётганлиги қайд этилди.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар, коррупцияга қарши курашни тарғиб этувчи баннер ва тарқатма материаллардан самарали фойдаланиш, жойлардаги Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази давлат меҳнат ҳуқуқи инспекторлари ва фуқаролар йиғинлари ходимлари ўртасида бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини изчил давом эттириш лозимлиги юзасидан фикрлар билдирилди.

Кун тартибидаги масалаларни атрофлича муҳокама қилган ҳолда, мажлис **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири С.Турмановнинг Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш тўғрисидаги баёнати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирликнинг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан жойлардаги Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази давлат меҳнат ҳуқуқи инспекторлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимлари ўртасида коррупцияга қарши курашиш ва ушбу турдаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш борасида тизимли равишда тарғибот тадбирлари амалга оширилсин.

3. Туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари ходимларни ишга қабул қилиш ҳамда бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш, идора ва ташкилотларда хизмат текширувларини ўтказиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишда коррупция ҳолатларнинг олдини олишга, вазирлик тизимини “Коррупциясиз соҳа”га айлантиришга масъуллиги белгилансин.

4. Мазкур баёнда белгиланган вазифаларнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Баёнлаштирган:**



**Қ.Календеров**